

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (13.414)

Баҳоси эркин нарҳда

ИМКОНияТлардан Тўла Ҳойдаланиш, Янгича Дунёқараш Билан Меҳнат Қилиш – Ҳалқимиз Фаровонлигини Янада Оширишнинг Муҳим Омилидир

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 14 апрель куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Самарқанд вилояти ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги, табиий бойликлари, улкан сайёҳлик салоҳияти билан мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобиль заводи, "JV Map Auto Uzbekistan" қўшма корхонасида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. "Бритиш-Американ тобакко", "Сам Антеп Гилам", "Urg-Gaz Carpet", "Амин Инвест", "Дака Текс", "Агромир Самарқанд" қўшма корхоналари, "Сино", "Самарқанд-Кимё" акциядорлик жамиятлари, "Шарқ саноати" хусусий концерни сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари вилоятнинг иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда.

2016 йилда 19 янги қўшма корхона ташкил этилган ва вилоят бўйича уларнинг сони 263 тага етган. Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 195 миллион долларни ташкил этган. Экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар ошган.

Бу кўрсаткичлар Самарқанднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ҳам намоён бўлмоқда. 2016 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 8,7 фоиз ўсгани шундан далолат беради.

Азалдан ҳунармандлик ва ишбилармонлик фазилатлари билан донг таратган самарқандликлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам улкан натижаларга эришмоқда. Мазкур соҳа-

нинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидagi улуши 78 фоиздан ошгани ва меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоиздан зиёди шу соҳада фаолият кўрсатгани эътиборга лойиқ.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 2016 йилда 2838 кўп тармоқли фермер хўжалиги, 9079 гектар майдонда интенсив боғ ва 1000 гектар ерда тоқзор ташкил этилган. Ушбу соҳада 11 минг 349 иш ўрни яратилган.

Бугунги кунда сабзавотнинг 33 фоизи, меванинг 38 фоизи, сўтнинг 34 фоизи, гўштнинг 27 фоизи вилоятдаги маҳаллий корхоналарда қайта ишланмоқда. Бундай ўсиш суръатлари одамларнинг турмуш шароитида, вилоят шаҳар ва қишлоқлари киёфасида ўз ифодасини топтоқда.

Туризм Самарқанд вилояти иқтисодиётининг асосий йўналишларидан биридир. Вилоятда сайёҳлик ресурсларидан самарали ғойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан яратилган имконият ва имтиёзлар туфайли бугунги кунда Самарқандда юздан ортқ меҳмонхона ва 80 дан зиёд сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Йилдан-йилга уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замон талаблари даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда.

Сайёҳликнинг экологик, соғломлаштириш, агро ва фаол турларини ривожлантириш, ички туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят туманларида янги сайёҳлик йўналишлари очилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни янада такомиллаштириш, тинчлик ва оқсоқчиликни мустаҳкамлаш борасида улкан режа ва мақсадлар белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари бу мақсадларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос, ташкилий тизим яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифини Биринчи Президентимиз Исро Каримов қабрини зиёрат қилишдан бошлади.

Исро Каримов руҳига Қуръон тиловат қилинди. Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исро Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд шаҳрида Исро Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБДА ТАШҚИ СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда Халқаро пресс-клубнинг Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги босқичдаги долзарб масалаларига бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Унда Халқаро пресс-клуб Жамоатчилик кенгаши, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати расининг биринчи ўринбосари, Халқаро пресс-клуб Жамоатчилик кенгаши раиси С.Сафоев, ташқи ишлар вазири А.Комиллов мазкур анжуман Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури контекстида ташкил этилганини, ушбу ҳужжат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олганини алоҳида таъкидлади. Кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ экани, унинг барча йўналишлари, авваломбор, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш, тинчлик ва барқарорлик, ҳавфсизликни таъминлашга қаратилгани қайд этилди. Зеро, ҳавфсизлик фаровонлик омилidir. Бу ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**"Ўзэкспомарказ"да
"Дам олиш дунёси
– 2017" V халқаро
Ўзбекистон
сайёҳлик
кўргазмаси
бошланди.**



МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛИШ УЧУН АЖОЙИБ ТАКЛИФЛАР

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Миллий туризм маҳсулотларини тарғибот қилиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ташкил этилди. Тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Шаропов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ соҳадаги хизматлар кенгаётгани, бунинг натижасида сайёҳлар оқими кўпайётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)

конунда белгиланган вазифалар ҳақида сўз юритилди.



● 2016 йили Италия пойтахти Рим шаҳридаги 1762 йили бунёд этилган машҳур Треви фавворасига сайёҳлар томонидан жами 1,4 миллион еврога тенг танга пуллар ташланди. Гап шундаки, ривоятга кўра ушбу фавворага танга ташлаган одам Римга албатта яна қайтиб келаркан. Бунга кўпчилик ишонади ва шу боис ҳар йили мўмай маблаг тўплашига имконият яратилади. Таъкидлаш жоизки, йиғилган пуллар хайрия мақсадларида сарфланади.

● Санкт-Петербургда 17 ёшли ўсмирнинг қўлида номаълум портловчи қурилманинг портлаши натижасида оғир тан жароҳатларини олган ҳолда у касалхонага ётқизилди. Ушбу ҳодиса юзасидан жиноий иш очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАШҚИ САВДО СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ташқи савдо алоқаларининг самарадорлигини янада ошириш, ташқи савдонинг либераллаштириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда рақобатдош маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш тизимини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан хорижий шериклар ўртасида савдо соҳасида узок муқаддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ваколатли давлат органи бўлиб, ташқи савдо соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул ҳисобланади ҳамда ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви органи ишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органилари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари, мулкчилик шакли ва идоравий мансубликдан қатъий назар ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо муносабатлари қисмида унинг мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворииси ҳисобланади.

3. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи савдо фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш, ташқи бозорлардаги талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли маҳсулотларнинг рақобатдошлигини кўчатириш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва хилларини тизимли асосда таҳлил қилиш, ташқи бозорларда унинг рақобатдошлиги даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш, сотиш бозорларини диверсификациялашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишончли хорижий савдо шерикларини излаш ва танлашда ҳўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг тендер савдоларида, халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркаларида ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган бошқа шундай

тадбирларда иштирок этишлари-га амалий ёрдам кўрсатиш;

импорт бўйича келтириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳажми ва таркибини чуқур таҳлил қилиш, маҳаллий ҳомашё неғизидан импорт ўринини босадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни маҳаллийлаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича концепция ва дастурлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

ташқи савдо асосий кўрсаткичлари параметрларини шакллантиришда ва Ўзбекистон Республикасининг божхона-тариф сиёсатини такомиллаштиришда иштирок этиш, ташқи савдонинг либераллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

товарлар (ишлар ва хизматлар), шу жумладан, ўзига хос товарлар ва саноат маҳсулотлари ташқи савдо, шунингдек, ташқи савдода тариф ва нотариф бошқаруви чораларини қўллаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш чораларини амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, хусусан, транзит салоҳиятини, логистика ва транспорт йўлакларини ривожлантириш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини қайта ташкил этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш бўйича иловага мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

Комиссия (А.Ж.Раматов) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини қайта ташкил этиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бўшаётган ҳодимларини иш билан таъминлашга кўмаклашсин.

6. Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муқаддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг фаолиятини таҳлил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муқаддат қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 апрель



● Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги қорақалпоқ давлат санъат музейида мамлакатимизда барқарор сайёҳлик тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда туризм индустриясини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

● Бухорода "Ёш чегарачилар" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбе-

ИМКОНияТлардан тўла фойдаланиш, янгича дунёқараш билан меҳнат қилиш – халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг муҳим омилидир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лойихага кўра, макбара мрамор, гранит ва нақшлар билан безатилади, пештоқларига Қуръон оятлари битилади. Зиёратчилар учун айвон бунёд этилади, кексалар учун лифтлар ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу макбара лойиҳаси билан танишди. Уни янада такомиллаштириш, зиёратчилар учун қўлайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди. Зиналарни пасаитириш, мажмуа атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, мажмуа тунда ёруғ нур сочиб туришини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Ислом Каримов мустақиллигимизга, халқимизнинг фаровон ҳаётига асос солган, маънавиятимизни тиклаган буюк инсон эди, деди Шавкат Мирзиёев. Мажмуада Биринчи Президентимизнинг буюклиги, пок иймон-этиқоди, сермазун ҳаёти акс этиши керак. Шу мажмуа тимсолида Ислом Каримовга бўлган меҳр-муҳаббатимизни кўрсатишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари Биринчи Президентимиз макбараси Ҳазрати Хизр масжиди билан ўйгун бўлиши зарурлигини таъкидлади. Макбарага монанд зиёратчилар учун баланд айвонлар бунёд этиш, расмий делегациялар учун ҳам кенг шароит ярати бўлиш кўрсатмалар берилди.

Ушбу мажмуа юксак маънавият, илм-маърифат маскани бўлиши керак. Зеро, бу катта тарбиявий аҳамиятга эга. Мажмуада хамиша майин оҳангда Қуръон суралари янграб туриши, макбара деворларига мукддас оятлар билан бирга, Ислом Каримовнинг ҳикмати сўзлари ҳам битилиши зарур. Токи зиёратга келганлар ўзига ўзларини ҳақиқат қўйиб олсин, халқимизнинг илмига, маънавиятига ҳаваси орсин.

Президентимиз Жомбой туманидаги "Ғалла Осиё нон" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, вилоятда яқин вақтлар ичида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар тақдими билан танишди.

Дастлаб "Шарқ саноати" концерни таркибиде ташкил этилган интенсив қўрак этиштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Полизликлари мутахассислар янги технологиянинг аҳамияти, афзалликлари ҳақида сўзлаб берди. Мазкур усул асосида этиштирилган қўчатлар касалликка чидамлилиги, тез-пишарлиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Самарқандда картошка этиштириш бўйича янги марказ ташкил қилиш борасида кўрсатмалар берилди. Марказнинг худудларо филиаллари ташкил қилинади. Вилоятларда мазкур йўналишда лабораториялар очиб қўйилиши қўйиб қўйилди.

Булунгур туманида ташкил этилаётган "Тоҳир" масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимизда аҳолини йил давомида мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ташқи бозорларда харидоригар ва рақобатдош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини қўлайитириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё бозорида юртимизда этиштирилган сархил қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Янги ташкил этилаётган жамият мутахассислари бу борада талаб ва тақлифларни атрофчила ўрганиб, лойиҳани жорий йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширишни режалаштирган.

Ўн бир гектар майдонда барпо этиладиган корхона йилига 12 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Президентимизга тақдим қилинган кейинги учта лойиҳа ҳам шу йўналишда. Булар Булунгур туманидаги "Самарқанд гарден пласт", Жомбой туманидаги "Грин агро экспорт" масъулияти чекланган жамиятлари ва "Мароканд мева-сабзавот" фермер ҳўжалиги томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш марказини ташкил этиш лойиҳаларидир.

Лойиҳалар ҳақида Президентимизга батафсил маълумот берилди: ташкил этиладиган янги иш ўринлари, экспорт ҳажми, таъсисчи томонидан сарфланадиган маблағлар, банклар томонидан ажратиладиган кредитлар, замонавий ускуналарнинг имкониятлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир лойиҳа бўйича фикр билдириб, уларни янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Оқдарё туманидаги "Юнусжон аҳли" оилавий корхонаси томонидан соя оқили изоляти ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди. Йилига 26 тонна соя домини қайта ишлаш қувватига эга корхона Хитойнинг етакчи компанияларининг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Жорий йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган корхонада соя ёғи, уни, оқсил изоляти ишлаб чиқарилади. Корхонада 80 кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Биз учун ҳар бир иш ўрни муҳим. Лоақал иккита одамни иш билан таъминлаган тadbирчилик бoшчимизда кўтаришга тайёрмиз, деди Президентимиз. Чунки инсоннинг иш билан таъминланиши унинг оиласи фаровон бўлишига, эртасига, давлатга ишончи ошишига асос бўлади.

Давлатимиз раҳбари Жомбой туманида вилоятда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар тақдимида иштирок этди.

Вилоятда Миллий банк томонидан молиялаштирилаётган енгил саноат соҳасидаги лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. "8 март", "Urgaz textile", "Urg-Gaz Carpet", "Arfa Exprod", "Alnazar orzu servis", "Samarqand Oqdaryo textil tola" каби масъулияти чекланган жамиятларида йилига 110,4 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу корхоналарда тайёр трикотаж, жинси маҳсулотлари, қўйлаб ва чойшаблар ишлаб чиқарилади. Корхоналар тўлиқ қувват билан ишга тушгач, беш мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шундан сўнг "Асакабанк" томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар тақдими бўлди. "Next textile", "Оқдарё текс", "Мароканд сифат" масъулияти чекланган жамиятларининг истикболдаги фаолияти муҳокама қилинди.

Президентимизга лойиҳаларнинг аҳамияти, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури ва сифати, яратиладиган иш ўринлари ҳақида маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев жaхoн бoзoрида сифатли калава ипдан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларига талаб ортиб бoраётгани, пахта толасини қайта ишлашни янада кенгайтириш ва аҳолини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли кийим-кечак билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Соҳани янада ривожлантириш ва корхоналарнинг истикболдаги режаларини аниқ белгилаш, янги ташқи бозорларни топиш юзасидан мутасаддиларга топширилган берилди.

Булунгур туманидаги "Интер леґо" масъулияти чекланган жамиятида калава ип, трикотаж мато ва матони бўяш ҳамда тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳанинг қиймати 37 миллион евро бўлиб, корхона ишга тушгач, йилига 31 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинади, 700 киши иш билан таъминланади.

Мамлакатимизда енгил саноатни ички ривожлантириш, тармоққа замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори соҳа ривож учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарига Самарқанд вилотида 2017-2018 йилларда енгил саноат соҳасида амалга ошириладиган манзилли дастур тақдим қилинди.

Жанубий корейлик инвесторлар томонидан ташкил қилинаётган "Samarqand apparel" корхонасида эркаклар, аёллар ва болалар учун тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳақида сўзлаб берилди.

Президентимиз вилоятда терини қайта ишлаш, чарм ва махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди. "Каттакўрғон чарм" қўшма

корхонасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Самарқанд вилотида тери хомашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш, чарм-пойабзал соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдими топишди. Хитойлик инвесторлар мазкур соҳани янада ривожлантириш, вилотда сифатли ва жaхoн андозалари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўзларининг тақлифларини баён қилди, Президентимизга Ўзбекистонда хорижлик инвесторлар учун яратилган қўлай инвестициявий муҳит учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлашга эътибор қаратди. Қишлоқ жойларда аҳоли, айниқса, ёшларни муҳим иш билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, худудларда этиштирилаётган пахта толасини ўша ернинг ўзиде қайта ишлаш учун яратилаётган имкониятлар тadbиркорларга кенг қўлайликлар туғдириб, янги иш ўринлари қўлайиши, аҳоли даромадлари ошишида муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари вилотда енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Президентимиз Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрь кунини пойтахтимизда ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимига Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қoшида ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига бeназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга ихтисослаштирилган халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Президентимиз мазкур марказ қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Марказ Имом Бухорий ва бошқа алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳчи таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларига сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жaхoн жaмoатчилигига етказиш билан шуғулланади.

Президентимиз мазкур халқаро марказнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Бу муассасада ислом маданияти тарғиботи бўйича комплекс тadbирлар ишлаб чиқиш кераклигини таъкидлади. Бино хоналарида буюк алломаларимизнинг маънавий қудрати ва салоҳияти намoён бўлиб туриши, бунинг учун ҳар бир хонани муайян аллома номи билан аташ ва шунга яраша жиҳозлаш зарурлиги қайд этилди.

Буюк мутафаккир бoбoмиз, барча муҳаддислар пешвоси Имом Бухорий манғу қўним тоғпан ушбу масканда ўзига хос маънавий-руҳий мавжуд, деди давлатимиз раҳбари. Мажмуага зиёратга келган одам бу марказга ҳам кириб, ўзига катта маънавий озуқа олсин, бoбoларимиз ҳикматларидан ўрганиб кетсин. Шунда уларнинг қалбиде улуг аждодларимиз билан фахрланиш тўғриси юксалади, айни пайтда шундай буюк зотларнинг авлоди деган маъсулиятни ҳис этaди.

Шавкат Мирзиёев олимлар ва уламолар билан сўхбатда ушбу марказда тadbирчиларга Қуръон қарим оятларини қироат қилиш ўқиш, тўғри талаффуз этиш, араб йилосида ёзиш – каллиграфия бўйича мамлакатимиз етакчи олимлари дарсларини йўлга қўйиш, хорижлик тadbирчилар учун стажировкалар таъсис этиш лoзимлигини таъкидлади.

Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудиде Ислом тароқиёт марказини ташкил етaмиз. Ушбу масканда ҳам Имом Бухорий халқаро маркази каби халқимиз, айниқса, ёш авлодининг маънавий дунёсини бойитишга, буюк аждодларимиз ислом таълимотига беқиёс ҳисса қўшганини аниқ мисоллар билан кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Имом Бухорий мажмуаси атрофида жойлашган савдо ва маийш хизмат кўрсатиш шoхoбчаларини реконструкция қилиш лойиҳаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Бу зиёратчилар учун қўшимча қўлайлик яратиб, ҳудуд инфратузилмасини янада ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этaди.

Давлатимиз раҳбари Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳиде Имом Бухорий мажмуасигача бўлган йўл бўйида икки қаватли замонавий уйлар ва ижтимоий объектлар қуриш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича мутасадди раҳбарларга топширилган берди.

Президентимиз Қўшрабoт туманида ҳам бўлди. Тумандаги "Оқтепа" қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда тоғолди худудлариде 2017-2018 йилларда ёнғoқзорлар, тоқзорлар барпо этиш, 2017-2021 йилларда чoрва бoқишини ташкил қилиш, туманда ичимлик суви таъминотини яхшилашга оид лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги "Дехон ҳўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерлариде самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспорттоб дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жомбой, Иштихон, Каттакўрғон, Пастдарғон, Пайарик, Самарқанд, Ўргут ва Қўшрабoт туманларининг тоғолди худудлариде 2017-2018 йилларда 4 минг 211 фермер ҳўжалиги ташкил этилади. Фермер ҳўжаликларида 5,7 минг гектар ёнғoқзор ва 13 минг гектар тоқзор барпо этиш режалаштирилган.

2017 йилда 2,5 минг гектар ёнғoқзор, 6,6 минг гектар тоқзор барпо этилиши мўлжалланган.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун 271 миллиард сўм ва 8,4 миллион доллар маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Бу қўшимча 15 минг тонна ёнғoқ, 50 минг тонна узум ва узум маҳсулотлари экспорт қилиш имкониятини яратди. 2017-2018 йилларда 26 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Шундай ёнғoқзорлардан бири Қўшрабoт туманидаги "Оқтепа унмодор замин" фермер ҳўжалигиде барпо этилади. Президентимиз бу ерга ёнғoқ кўчати ўтказди.

Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани сингари Самарқанд вилотида ҳам хали фойдаланилмаган имкониятлар қўл. Уларни ишга солиб қўшимча даромад топиш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун одамларда фaдoбирорликка қизиқишни қўнайитириш, томорқадан унумли фойдаланиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Қўшрабoт туманида 2017-2021 йилларда аҳоли, фермер ва деҳқон ҳўжаликларида 10 минг бош эчки ва 5 минг бош қўй боқилиши ташкил қилиш лойиҳаси ҳам йирик лойиҳалардан. Қиймати 7,7 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳада Россиядан 10 минг бош насли эчки, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилотларидан 5 минг бош ҳисори қўй олиб келиш мўлжалланган.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 18 декабрдаги қарорига мувофиқ, ОПЕК ҳамда Саудия Арабистон тароқиёт жамғармалари томонидан Ўзбекистон иштирокиде 2016-2018 йилларда Қўшрабoт туманида ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган умумий қиймати 36,4 миллион долларлик лойиҳанинг амалга оширилиши белгиланган.

Лойиҳа амалга оширилгач, 77 қишлоқ фуқаролар йиғинида 49 суви олиш иншооти қурилади, 6 таси реконструкция қилинади. 408,1 километр магистрал суви қурувлари ва тармоқлари барпо этилади.

Бундан ташқари, лойиҳага 110 суви олиш худудини бурғулаш ва реконструкция қилиш, 16,1 километр узунликдаги суви иншоотларини ҳимоя деворлари билан ўраш, 164 қудуқ насосини ўрнатиш, 14 автоматлаштирилган насос станциясини қуриш, 55 трансформатор, 3 қуввот генератори ҳамда 52 дельта генераторини ўрнатиш, 24,5 километр узунликдаги ташқи электр таъминоти тизими билан таъминлаш киритилган.

Давлатимиз раҳбари Қўшрабoтда экспорттоб мевали қўчатлар экиш, чoрвачиликни ривожлантириш, бунинг учун аҳолига кредит маблағлари ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Қўшрабoтда жунни қайта ишлаш фабрикасини қуриш, Самарқанд ва Оқдарё туманларида 2017 йилда қурилиши режалаш-

тирилган замонавий иссиқхона мажмуалари лойиҳалари тақдими ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда бир гуруҳ нуронийлар билан сўхбатлашди. Нуронийлар мамлакатимизнинг барча худудиде амалга оширилаётган тизимли ислохотларни, рўй бeраётган ўзгаришлардан одамлар рози эканини қайд этди.

Президентимиз Каттакўрғон суви омбори ҳавзасида балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бeришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда балиқчилик, паррандачилик, қўенчилик ва бошқа турдаги ҳўжаликлар тобора ривожлантирилмоқда.

"Каттакўрғон жайхун" фермер ҳўжалиги ва "Каттакўрғон балиқчилик" хусусий корхонаси томонидан карп, оқ амур, оқ ва чипор дўнггешона ҳамда бошқа турдаги баликлари, балиқ чавоқларини етиштиришда Вьетнам технологиясидан фойдаланиш мўлжалланган. Ушбу илгор технология самарадорлигини беш барбoрагача оширади. Худудда балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам режалаштирилмоқда.

Лойиҳани ҳаётга тadbирқ этиш учун 5,1 миллиард сўм маблағ сарфланади ва натижада балиқчилик ҳўжаликларида йилига 2 миллион дона чавoқ, 500 миллион дона личинка, минг тонна омихта ем етказиб бeрилади. 400 тонна балиқ қайта ишланади, 200 тонна қадоқланган, 50 тонна дудланган балиқ маҳсулотлари аҳолига етказиб бeрилади. Ҳўжаликда 40 янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Пайарик, Самарқанд туманларида "Мароканд балиқ саноат агро" агрофирмаси ва "Оқ амур баликлари" фермер ҳўжалиги томонидан "Иптокеа-банк" билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечирди. Мазкур лойиҳаларга кўра 450 гектар суви майдониде балиқ чавоқларини қўлайитириш ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилади. Ушбу лойиҳалар учун 12 миллиард сўм маблағ жалб этилади.

Лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида балиқчилик ҳўжаликларида 10 миллион дона чавoқ, 300 тонна омихта ем етказиб бeрилади, 500 тонна балиқ қайта ишланади. 300 тонна қадоқланган, 50 тонна дудланган балиқ маҳсулотлари халқ истеъмoли учун бозорларга чиқарилади. Лойиҳада 50 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз мазкур лойиҳалар билан танишар экан, халқимиз "Луқмаи ҳалол" деб таърифлайдиган балиқ етиштириш янада қўлайитириш, бунда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, маҳсулотларни нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналитириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилотида суви ресурсларидан унумли фойдаланиш, суви тармоқларини модернизация қилиш лойиҳаларини кўздан кечирди.

Вилоятда сўнгги йилларда бир неча суви иншоотлари қурилди. Ўргут туманида "Камангарон", Қўшрабoт туманида "Оқчoбой" суви омборлари, Нуробoд туманида "Омондара" суви тўғонининг барпо этилиши худудларда суви ресурсларини бoшқаришда самарадорлигини янада ошириш, минглаб гектар майдонларда суви танқислигининг олдини олди.

Келгуси ўй йилда вилотда 55 насос станциясини тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган. Натижада 60 минг 619 гектар майдонда суви таъминоти яхшиланади, йилига 29,9 миллион кВт соат электр энергияси ҳамда 720 миллион сўм эксплуатация харажатлари иқтисод қилиниб, 6,4 миллиард сўм маблағ тежалди.

Суви самарали ишлатиш минтақамиздаги долзарб масалалардан бири, деди Президентимиз. Шу боис ушбу ресурслардан фойдаланишни замон талаблари асосида ташкил этиш лoзим.

Давлатимиз раҳбари вилотда 2017 йилда молиялаштирилиши кўзда тутилаётган йирик чoрвачилик лойиҳалари билан танишди.

Вилотда жорий йилда "Чортут", "Чoрва сут сервис" фермер ҳўжаликлари, "Насли чoрва импорт", "Самарқанд милк", "Айкан савдо", "Чoрва насл бeрилашма" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Ушбу корхоналарда йилига 14 минг 250 тонна сут, 875 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 230 иш ўрни яратилади.

Мамлакатимизда аҳолини арзон ва сифатли паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўргут туманида "Чўпонота парранда" масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий технологиялар асосида парранда озуқасини ишлаб чиқариш режалаштирилган. "Ўргут" эркин иқтисодий зонаси ҳудудиде фаолият олиб бoрадиган мазкур корхона 3 миллион АКШ доллари қийматига тенг. У 2018 йилнинг биринчи чoрагида ишга туширилади. Натижада вилотдаги паррандачилик ҳўжаликлари ва аҳоли хонадонларида боқилаётган паррандалар учун йилига 8-10 минг тонна озуқа маҳсулотлари етказиб бeрилади. Лойиҳада 30 иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

"Афросиёё парранда" масъулияти чекланган жамияти томонидан паррандачилик, балиқчилик ва чoрвачилик ҳўжаликлари учун омихта ем ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдим этилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ корхонага соатига ўн тонна компонентлари электрон аниқлик билан дозалаштирилган оқори сифатли омихта ем ишлаб чиқариш қувватига эга Голландия технологиясини ўрнатиш режалаштирилмоқда. Тайёр маҳсулотлар мамлакатимиздаги хусусий тadbиркорлар ва аҳоли етхёнжлари учун, шунингдек, экспортга йўналитирилади.

"Зарфшон парранда" хусусий ишлаб чиқариш тижoрат фирмаси лойиҳасига кўра, Жомбой туманидаги Мангит қишлоғиде 39 гектар худудда жўва ва туҳум етиштириш комплекси ташкил этилади. Бунга 12 миллиард сўм маблағ жалб этиш мўлжалланган. Лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида йилига 5 миллион дона жўва аҳоли хонадонлари ва паррандачилик корхоналарига етказиб бeрилади.

"Сибё Шавкат Оруз" фермер ҳўжалиги томонидан Тайлоқ тумани Пайшанбасиёё қишлоғидеги ўн гектар худудда парранда боқиш ва парранда гўшти етиштириш режалаштирилган. Лойиҳага 3 миллион 518 минг доллар сарфланади.

Корхонада йилига 800 минг дона парранда боқиш ва 12 минг тонна парранда гўшти етиштириш йўлга қўйилади. Етиштирилган маҳсулот ички бозорга чиқарилади, муайян қисми экспорт қилинади. Ушбу лойиҳа 60 янги иш ўрни яратиш имконини бeради.

Самарқанд вилотида кейинги йилларда куркачилик ҳам изчил ривожланиб бoрмоқда. Мазкур йўналишда ҳаётга тadbирқ этилаётган комплекс чoра-тadbирлар куркаларини илгор технологиялар асосида қўлайитириш, боқиш, туҳумини сифатли сақлаш имконини бeрмоқда.

"Мароканд парранда" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳага мувофиқ йилига 3 миллион туҳум ва 2 миллион дона курка жўжаси етиштирилади. Лойиҳага 39,6 миллиард сўм ажратилиши мўлжалланган.

Президентимиз ушбу лойиҳалар билан танишар экан, вилотда паррандачиликни ривожлантириш учун табиий иқлим, хомашё ва ишчи кучи мавжудлигини таъкидлади. Улардан унумли фойдаланиш, тармоқ тadbиркор



ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган “Ёшлар ва маънавий қадриятлар” мавзuidaги давра суҳбатида таниқли олимлар, соҳа мутахассислари, талаба-ёшлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети-нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори О.Кўйсина, Республика Маънавий тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими мудири Б.Хайитматов, шоир Искандар Раҳмон мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, миллий қадриятларимизни қадрлаш ва ёшлар маънавиятини юксалтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини таъкидлади.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида ташкил этилган “Дурдона” фольклор-этнографик жамоаси ҳамда “Улугбек юлдузлари” вокал ансамбли хонадалари ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар барчага бирдай манзур бўлди.

— Маънавий қадриятлар инсон ҳаётининг гултожи ҳисобланади, — дейди Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг бадий раҳбари Азамат Ҳамроев. — Айниқса, ёшлар маънавиятининг юксалишида, миллий анъаналаримизнинг ўрни бекиёсдир. Ўтказилаётган бундай тадбирлар келажак авлодни қомиллик сари етакалайди, эзгулик ва яхшиликка қўлайди, ёт ғоялар таъсиридан узоқлаштиради.

Маънавий-маърифий тадбир доирасида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари томонидан тайёрланган викторина саволлари асосида махсус дастур намойиш этилди. Дилрабо куй ва қўшиқлар, жозибали рақслар ва қизиқарли саҳна кўринишлари тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада ошириб берди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олмазор туманидаги 20-оилавий поликлиникада ўн беш нафар умумий амалиёт шифокори, қирқ икки нафар патронаж ҳамшира ва ўнга яқин йўналиш бўйича малакали мутахассислар аҳоли саломатлиги йўлида фаол иш олиб бормоқда. Шу билан бирга йигирма ўринли кундузги шифохона фаолият кўрсатади. Ушбу поликлиниканинг қўли енгил шифокор, ҳамшира ва тиббий ходимлари ўзларининг ҳудудларига қарашли хонадонларда яшовчи аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

“Патронаж ойлари” муносабати билан поликлиника шифокорлари, ҳамширалар ва тор мутахассислар аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказиб келишмоқда. Ана шундай тиббий кўриклардан бири “Гулзор” маҳалласида ташкил этилди.

— Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволашнинг замонавий усуллари кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди поликлиника бош шифокори Фарида Фозилова. — Поликлиникамиз 10 та мактабгача таълим муассасаси ва 4

ЗАРУР ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

та мактаб, 9 та маҳалла аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келади. Йил бошидан аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича режа тузиб олинди. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки бу каби кўриқларни ўтказиш учун поликлиникада шарт-шароитлар мавжуд. Барча тор мутахассислар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатиб ке-

Футбол янгиликлари

РЕЙТИНГДА ИЖОБИЙ КЎРСАТКИЧ

ФИФА ташаббуси билан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 60-ўринга лойиқ кўрилди. Бу аввалги рейтингга нисбатан ижобий кўрсаткич ҳисобланади. Чунки аввалги ой рейтингда миллий терма жамоамиз 63-ўринни банд этганди. Бу ой рейтингда уч поғона юқорида кўтарилган миллий терма жамоамиз қитъа миқёсида ҳамон 6-ўринда бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, миллий тер-

ма жамоамиз ФИФАга аъзо бўлганидан буён ҳали рейтингда Россия терма жамоасидан ўзиб кетмаган эди. Бу сафар Россия терма жамоасига 61-поғона натижа эътибори.

Шунингдек, жаҳон миқёсида рейтингда пешқадамлик қилиб келган Аргентина терма жамоаси бир поғона пастлади ва карвонбошилиқни Бразилия терма жамоасига топширди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштирилаётган жаҳон чемпионати саралаш турнири учинчи босқичи гуруҳ баҳсларида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг июнь ойида Таиланд терма жамоасига қарши кечадагидан ўртоқлик учрашуви бекор қилингани ҳақида хабар тарқалган эди.

Аммо Championat asia сайти хабарига кўра Ўзбекистон ва Таиланд миллий терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви июнь ойида уюштирилаётган бўлди. Ўзбекистон ва Таиланд футбол федерацияларининг келишу-

вига кўра ушбу ўйин Тошкентда бўлиб ўтади. Эслатиб ўтамиз, Таиланд терма жамоаси ҳам жаҳон чемпионатида саралаш турнири ҳал қилувчи учинчи босқичи “В” гуруҳида қатнашмоқда. Таиланд терма жамоасига қарши

ўтказилаётган назорат-ўртоқлик баҳси Эрон ва Хитой терма жамоаларига қарши сафарда кечадагидан жаҳон чемпионатида саралаш босқичи гуруҳ беллашувларидан аввал ўзига хос тайёргарлик ва-зифасини ўтайди.

ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ ИШ БОШЛАДИ

Жорий йилги Ўзбекистон чемпионатида қониқарсиз қатнашиб мухлисларини ранжитаётган “Пахтакор” футбол клубини эндиликда Равшан Ҳайдаров бош мураббий сифатида бошқармоқда.

Клуб расмий сайти хабар қилишича Ўзбекистон чемпионатида “Машъал”га имконият бериб берилганидан сўнг Григорий Колосовский ўрнини Равшан Ҳайдаров эгаллади. Дарвоқе, тажрибали му-

тахассис Равшан Ҳайдаров 2006-2007 ҳамда 2010-2011 йилларда ҳам “Пахтакор” жамоасини бош мураббий сифатида бошқарган эди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

бий кўриқдан ўтказилди ва керакли йўланмалар берилди.

— Кўрик давомида аҳолига саломатликларини мустаҳкамлашда ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишлари, тўғри ва соғлом овқатланишлари, ўз вақтида дам олишлари, спорт билан шуғулланиб туришлари ва кекса нуронийларимиз ҳам овқатлангандан сўнг сайр қилишлари тавсия қилинди, — дейди поликлиниканинг умумий амалиёт шифокори Нафиса Ибрагимова. — Тиббий кўриқдан ўтган аҳолига ўз тавсияларимизни бериб ўтдик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аҳоли орасида патронаж ишларини олиб бориш жуда ҳам яхши натижа беради. Чунки бу жараёнда тўғридан-тўғри хонадонларга кириб бориб, муаммолар ўрганилади.

Кўрик давомида ҳомиладор аёллар, янги туғилган чақалоқлар, нуронийлар ва парваришга муҳтож беморларга ҳолидан хабар олиш шифокору ҳамшираларнинг зиммасида эканлиги, дардига шифо истаб келган беморларга зарур тавсиялар берилди. Шу билан бирга болаларни ўз вақтида эмлатиш муҳимлиги эслатиб ўтилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан косметика ва парфюмерия воситаларининг бозори чаққонлигидан фойдаланиб, мўмай даромад орттиришга уринган сохта тадбиркорларнинг қинғир қилмишлари фош қилинди.

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Парфюмерия ва косметика воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши бу каби махсулотлар таркибида кимёвий моддалар жуда катта миқдорни ташкил қилиши, боз устига уларнинг зарарли ҳисобланган контрафакт нусхалари ёйиётганлигини инобатга олсак юрдошларимиз саломатлиги учун ижидий таҳдид эканлиги ойдинлашади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга олиб кирилаётган парфюмерия ва косметика воситалари давлат тилида марказлаштирилган шарт. Шунингдек, бу турдаги товарлар мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига ҳам киритилган.

Шунга қарамай сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган бу каби товарларни олиб ўтишга бўлган уринишлар кўзга ташланмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Келес” темир йўл чегара божхона пости ходимлари “Челябинск-Тошкент” йўналиши бўйича кириб келган йўловчи поездда бир қатор чет эл фуқароларининг божхо-

на қоидабузарликлари фош қилишди.

Россиялик Н.Горкуша, Б.Сеидов, А.Муртазин ва Н.Романовлар республикамызга кириб келишар экан, йўловчи божхона декларацияси ва божхона ходимларининг озғани сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, қиймати 27,2 миллион сўмлик 1000 донадан ортиқ косметика ва парфюмерия воситаларини олиб киришга уринишган пайтда тўхтатиб қолинди.

Шунингдек, мазкур поstda “Алмата-Нукус” йўналишидаги йўловчи поезди орқали кириб келган қўшни давлат фуқароси Ж.Усманов умумий қиймати 21 миллион сўмдан ортиқ бўлган 7 турдаги атирларни ноқонуний равишда олиб киришга урингани фош қилинди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Бош почтамт” ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари почта жўнатмалари орқали ҳам косметика ва парфюмерия воситаларининг ноқонуний равишда жўнатилишига доир бир нечта қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашди.

БОЛАЛИК ОРЗУЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси, Яккасарой тумани “Баркамол авлод” болалар маркази ҳамкорлигида “Болалик орзуларим” деб номланган ижодий кўргазма очилди.

Унда “Баркамол авлод” болалар марказининг “Тасвирий санъат”, “Майда пластика”, “Мунчоқли безак санъати” тўғрақларида таҳсил олаётган 60 га яқин иқтидорли болаларнинг сараланган ижод намуналари намойиш қилинмоқда. Бу ижодий ишларда болаларнинг ўзига хос беғубор дунёси, болалик орзулари, ҳаёт қувончлари ўз аксини топган.

Тўғрақларнинг иқтидорли ўқувчилари пойтахтимизда ўтаётган қатор кўргазмалар, фестивалларнинг фаол иштирокчилари. “Тасвирий санъат” тўғраги ўқувчиларининг ижодий ишлари ушбу экспозициянинг катта қисmini ташкил этади.

Кўргазманинг тантанали очилишида ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашган муаллифлар сертификатлар билан тақдирландилар. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

“101”

ДОИМО ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Ёнғин. Ушбу сўз замирида қанчалар даҳшатли фожиалар қамраб олинган. Ёнғин содир бўлган хонадон вайронага айланади, уйдан файз-барака учади.

Ачинарлиси, бир инсон ёки гўдак юз берган ёнғинда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон ёки қурбон бўлади. Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнғин юз бериши мумкин. Ёнғинни даф этиш учун ёнғин ўчирувчилар ҳамisha шай бўлиб туради. Бизнинг атрофимиз қанчалар гўзал бўлмасин, ҳаётимизни қамраб оладиган бундай кўнгилсизликларга афсуски одамзоднинг ўзи айбдор.

Оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик қанчалар ачинарли ҳолатларга олиб келади. Шу сабабли ҳар доим ҳушёр бўлишимиз даркор. Аҳоли турар жойларида содир бўлаётган ёнғинлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсалар-да, унга лоқайдлик билан қарашмоқда. Бундан ташқари маҳалла ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган ҳамшаҳрларимизнинг айримлари маиший чакинди ахлатларини махсус ташланадиган жойларга эмас, балки уйнинг ён-атрофига, ариқ четларига ташлаб кетиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истар-дик: уйда, иш, жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

**Х.НАСИРОВ,
ЁХБ 12-ХЕХО 3-ХЕХ
алоҳида пост инспектори, сержант**

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад — аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга жалб қилишдан иборат. “Тилсиз ёв” билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган широр ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила қорхона, муассаса учун тааллуқли. Ўзи билан катта ташвиш ва талафот келтирувчи ёнғинлар тасодифан содир бўлмайди. Шу боис иситиш ва электр манбалари, ускуналардан фойдаланаётган хонадон эгаси, халқ ҳўжалиги объектилари эҳтиёт чораларини кўриши лозим.

Азиз юртдошлар! Ёнғинга қарши кураш, унинг олдини олиш ва албатта, хавфсизлик қоидаларига риоя этишни унутманг. Зеро, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва халқ ҳўжалиги объектиларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Д.ФОЗИЛОВ,
14-ХЕХ алоҳида пост инспектори, сержант**



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 18 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.